


КОНСТАНТИН
ПАУСТОВСКИЙ
ИСААК ЛЕВИТАН



ҚОНСТАНТИН ПАУСТОВСКИЙ

ИСААК ЛЕВИТАН

Қичик қисса

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марқазий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1985

Нодир Норматов таржимаси.

П $\frac{4803010102-30}{356 [04] 85}$ — 142—85

© Издательство «Художественная литература», 1969.

© Издательство «Ёш гвардия», 1985, перевод.

Рассом Саврасовнинг қоқсуяк қўллари қалтирарди. Қир дастурхонга чойни тўкмасдан ичолмасди. Рассомнинг таралмаган пахмоқ соқолидан нон ва арақ ҳиди анқиб турарди.

Март тумани Москва устида самовар буғидек ёйилган. Қоронғи чўкмоқда. Тунука тарновларда туриб қолган музлар тагидан эриб, қарсиллаб йўлкага тушар, парчаланиб, тоғ биллури уюмига ўхшаб қоларди. Биллур ифлос этиклар остида қолиб гижирлар ва шу вақтнинг ўзидаёқ балчиққа айланарди.

Утган аср 80-йиллардаги Москванинг — кўҳна Москванинг боши берк кўчалари, тахта омборлари ортида баҳайбат қўнғироқларнинг ғамгин жаранги эшитиларди.

Рассом эскириб, кулранг тусга кирган қадаҳда арақ ичарди. Катакли, ямалган камзул ва калта кулранг шим кийган қоқсуяк бола — Саврасовнинг шогирди Левитан эса стулда ўтирганча гап тингларди.

— Россияни тасвирлаб берадиган мард йўқ, — дерди Саврасов. — Биз ҳали, мен ёшлигимда бувимдан уялганимдек, ватанимиздан уяламиз... Қампири тушмагур юввошгина эди, қип-қизил кўзлари тез-тез учарди. У менга Сергей Радоженскийнинг бир иконасини мерос қолдирди. Жон бераётиб, шундай деди: «Неварам, мана шундай чизишни ўрган, токи еру осмон гўзаллигидан бутун қалб йиғласин». Иконада эса қаровсиз овлоқ йўлкаларда ўсадиган энг оддий ўт-ўланлар, гул-

лар ва атрофини тоғ-терақ қоплаган кўл тасвири бор эди. Айёр кампирни қаранг-а!

Мен ўша вақтда сотиш учун аквареллар чизиб Трубага ёймачиларга олиб борардим. Нималар чизганимни эслашга ҳам уяламан. Минорали серҳашам саройлару қирмизи ранг оққушлар. Сарик чақага ҳам арзимайди булар! Ёшлигимдан то кексайгунимча кўнглимга ёқмаган нарсаларни чизиб ўтдим.

Бола қисилиб-қимтиниб жим ўтирарди. Саврасов керосин лампани ёқди. Мўйнадўз қўшининг хонасида саъва сайради.

Саврасов бўш қадаҳга таассуф билан тикилиб, уни суриб қўйди.

— Петергоф ва Ораниенбаум кўринишларини неча марталаб ишлаганман — сон-саноғи йўқ. Биз камбағаллар ҳашамдорликка кўнгил қўйганмиз. Ушбу боғлару саройларни яратганларнинг орзу-ҳаваслари бизни маҳлиё этди. Булардан кейин биз қанақасига ўзимизнинг рутубатли далаларни, эгри-бугри кулбаларни, ўрмон ёқасию пастак осмонимизни пайқаймизу сева оламиз? Йўқ, бундай қилиш қўлдан келмайди!

Саврасов қўлини силтаб, қадаҳга яна арақ қўйди. Қурушқоқ бармоқлари билан қадаҳни узоқ айлантирди. Кўчадан ўтаётган от-араваларнинг залваридан қадаҳдаги ичимлик титрарди. Саврасов бир кўтаришда арақни ичиб юборди.

— Францияда ажойиб уста Коро ишляпти-ку,— деди у пишқириб.— Қулранг осмондан, туманлардан, хилватгоҳ сувлардан ажойиб гўзалликни топа олди-ку. Яна, шунақаям гўзаллик-ки! Бизлар-чи... Нима бало, бизлар кўрмизми, кўзларимиз ёруғликдан қувонмай-дими. Бизлар бойўғлилармиз,— деди у жаҳл билан ва ўрнидан турди.— Шабкўрлик бу, ҳа, бемаънилик ва шармандалик бу!

Левитан кетиш кераклигини тушунди. Унинг қорни

жуда ҳам оч эди, лекин чала-ярим маст Саврасов қизгин суҳбатга берилиб кетиб, ўз шоғирдини чойга таклиф этишни ҳам эсидан чиқариб қўйганди.

Левитан ташқарига чиқди. Уловларининг ёнида қор аралаш сув кечиб бораётган аравакашлар сўкинишарди. Хиёбонлардаги яп-яланғоч дарахтларнинг шохларига парча-парча қор ёпишиб қолган бўлиб, қовоқхоналардан чиқаётган кирхонадагига ўхшаш буғ юзга уриларди.

Левитан рассомлик ва ҳайкалтарошлик билим юртидаги ўртоқлари камбағаллиги учун аҳён-аҳёнда йиғиб берадиган ўттиз тийинни чўнтагидан олиб, қовоқхонага кирди. Ҳорғин хизматкор баланд пештахта ёнидан ўтиб кетаётиб, тишларини ғижирлатганча хўжайинига баланд овоз билан деди:

— Жуҳудваччага оқ нон билан бир бўлак колбаса.

Левитан — камбағал ва оч бола, Ковенский губерниясидаги Кибарти қишлоғи раввинининг невараси Москва қовоқхонаси столи ёнида букчайиб ўтирганча Коро картиналарини эслади. Атрофда уст-боши кир одамлар шовқин солишар, йиғлоқи ашулалар айтишар, аччиқ тамаки тутатишиб, ликопчалардан хўриллатиб чой симиришарди. Хўл қор қорайган деразаларга ёпишар, қўнғироқлар лоқайд жарангларди.

Левитан узоқ ўтирди, шошадиган ери йўқ эди. У «Ажина» лақабли қоровулдан яшириқча Мясницкаядаги билим юртининг совуқ синфларида тунарди. Бегоналар эшигида кун кўрадиган бирдан-бир азиз кишиси — опаси баъзан уни овқатлантирар, эски камзулини ямаб берарди. Отаси нега қишлоғини ташлаб, Москвага келди, нима учун бу ерда отаси ҳам, онаси ҳам опаси билан Левитанни кўчада қолдириб, тезда ўлиб кетишди? Бола буларни тушунмасди. Москвада эса яшаш қийин, айниқса унга — яҳудийга қийин эди.

— Жуҳудваччага яна бир бўлак нон, — деди хўжайинига хизматкор оёқларини петрушка поясидек ликил-

латиб.— Афтидап топинган худоси уни ёмон боқаётганга ўхшайди.

Левитан бошини қуйи солди. Унинг ҳам йиғлагиси, ҳам уйқуси келарди. Иссиқдан оёқлари қақшаб оғриётганди. Тун эса деразага мартнинг ҳўл қорини қатлам-қатлам ёпиштиргани-ёпиштирган эди.

* * *

1879 йили полиция Левитанни Москвадан Салтиковка қишлоғига бадарға қилди: подшонинг «қадимги рус пойтахти»да яҳудийларнинг яшаши тақиқланади, деган фармони чиққанди. Бу пайтда Левитан ўн саккиз ёшда эди.

Салтиковкада ўтказган ёзни Левитан кейинчалик ҳаётининг энг машаққатли кунлари сифатида эслаб юрди. Ҳаво жуда иссиқ эди. Қарийб ҳар куни осмонда чақмоқ чақар, момақалдироқ гулдулар, дераза остида ўсган қуруқ бурган шамолдан ғувиллар, лекин бир томчи ҳам ёмғир ёғмасди.

Айниқса, оқшомлари зерикарли бўларди. Қўшни чорбоғ балконларида чироқлар ёқилгач, парвоналар лампа шишага булутдек ёпирилишарди. Крокет майдончасида зўлдирлар бир-бирига урилиб, тарақларди, гимназистлар билан қизлар бошлаган ўйинларини охирига етказиб, шўхлик қилишар, уришишар, кейин, ярим тунда эса боғда нотаниш аёл ғамгин романс куйларди:

Овозим сен учун ҳам ёқимли, ҳам оғир...

Уша вақтда Пушкиннинг содда қўшиқларидан кўра, Полонский, Майков ва Алухтин шеърлари кенг тарқалган эди. Левитан ҳатто бу романс сўзлари Пушкинники эканлигини ҳам билмасди. У кечқурунлари панжара девор ортидан нотаниш аёл ашулаларини тинглаб, унинг, айниқса, «севги кўз ёши» ҳақидаги романсини яхши эслаб қолганди.

У шу қадар ғамгин ва жарангдор қўшиқ айтувчи

аёлни, крокет ўйновчи қизларни, голибона қийқириқлар билан ёғоч зўлдирларни темир йўл тасмасигача думалатадиган гимназистларни кўргиси келарди. У балконда ўтириб, тоза стаканлардан чой ичишни, лимоннинг бир бўлакчасига қошиғини теккизиб, сўнг ўша қошиқчадан ўрикли мураббонинг тип-тиниқ томчилари оқиб тушишига узоқ қараб туришни истарди. Левитаннинг бебошлик қилгиси, хохолаб кулгиси, горелки ўйнагиси, ярим тунгача ашула айтгиси, катта-катта қадам ташлаб юргиси ҳамда гимназистларнинг цензура тақиқлаган «Тўрт кун» номли ҳикоя муаллифи Гаршин ҳақидаги шивир-шивирларини эшитгиси келарди. Яна у қўшиқчи аёл кўзларига тикилишни истарди, чунки қўшиқ айтувчиларнинг кўзлари ҳамisha ярим юмуқ ва ғамгин жозибага тўла бўлади.

Аммо Левитан жуда қашшоқ эди. Қирқ улоқ катак камзули тўзиб кетган, яна тор келиб қолганди. Бечоранинг мойбўёқ чапланган қўллари енгларидан худди қуш панжаларидек чиқиб турарди. Ёзни Левитан оёқяланг ўтказарди. Бунақа уст-бош билан ғам-ташвишсиз чорбоғчилар ёнига йўлаб бўлармиди!

Левитан улардан ўзини олиб қочарди. У қайиқда чорбоғ ҳовузи атрофидаги қамишзорларга сузиб бориб, этюд чизарди, қайиқда унга ҳеч ким халақит бермасди.

Ўрмон ёки далаларда этюд чизиш нисбатан хавфлироқ эди. Чунки қўққисдан қайин соясида ўша йиллар анча машҳур бўлган ёзувчи Альбовнинг китобини ўқиётган олифта хотиннинг гулдор соябонига ёинки болаларга гирдикапалак бўлаётган мураббияга дуч келиб қолиш мумкин эди. Қашшоқлардан эса ҳеч ким мураббияларчалик жирканмасди.

Левитан чорбоғлардан ўзини олиб қочар, тунги қўшиқчини қўмсаб этюдлар чизарди. У рассомлик ва ҳайкалтарошлик билим юртида Саврасов Коронинг беназир рассомлигини қайта-қайта қулоғига қуйганлигини

бутунлай унутганди, ўртоқлари — ака-ука Қоровинлар ва Николай Чехов эса ҳамиша Коронинг картиналари устида гап очиб, расмана рус манзарасининг жозибаси хусусида тортишишарди. Коронинг бўлажак шуҳрати эса жулдурвоқиларча омадсиз умргузаронлик орқасида йўқолиб кетаётган эди.

Левитан ўша ёз очиқ ҳавода жуда кўп ишлади. Саврасов шундай қилишни буюрганди. Баҳор кунларининг бирида Саврасов Мясницкийдаги устахонага ғирт маст бўлиб келди, жаҳли чиққанидан чанг босиб кетган дераза ойнасини синдириб, қўлини кесиб олди.

— Нимани чизяписиз! — кир дастрўмолча билан қонни артаркан, йиғламсираган овоз билан бақирди. — Тамаки тутуниними? Гўнгними? Аталаними?

Синдирилган деразадан осмондаги булутлар кўринар, қуёш гумбазлар устига иссиқ нурларини сочар, қоқпўтнинг юмшоқ, момик парлари ҳар томонда учиб юрарди; ўша пайтда Москванинг ҳамма ҳовлилари қоқпўтга тўлиб кетган эди.

— Қуёшни холстга ҳайдаб киритинг! — бақирди Саврасов, «Ажина» — қари қоровул эса унга эшикдан нохуш қараб қўйди. — Баҳорнинг илиқ дамларини ўтказиб юбордингиз! Қорлар эриб, жарликларда муздек сув бўлиб оқди — нима учун буларни этюдларингизда кўрмайпман? Аргувонлар барг чиқарди, ёмғирлар шунақа ёғдики, гўё осмондан сув эмас, кумуш қуйилгандек — буларнинг ҳаммаси сизнинг холстларингизда йўқ-ку? Бемаънилик ва шармандалик бу!

Бундай койишлардан сўнг Левитан очиқ ҳавода яна кўп ишлай бошлади. Аввалига бўёқларни янгича танлаш унга қийиндек туюлди. Дуд босган хонада тоза ва ёрқин бўлган бўёқлар очиқ ҳавода аллақандай хира, гард босгандек кўринарди.

Левитан картиналарида ҳар бир ўт-ўланни мовий оғушига олган ҳаво тиниқлигини, ҳар бир барг, ҳар бир боғ пичандан тоза ҳаво иси келиб туришини акс

эттиришга ҳаракат қилди. Атрофдаги ҳамма нарса ялтираётган, кўкараётган ва аллақандай сокинликка чўмаётгандек эди. Левитан мана шу аллақандай нарса-ни ҳаво деб атади. Лекин бу бизнинг тасаввуримиздаги ҳаво эмасди. Биз у билан нафас оламиз, биз унинг ҳидини, совуқ ёки илиқлигини сезамиз. Левитанга эса бу, худди ўз расмларига шунақа жозибали илиқлик бағишловчи тирик мавжудотнинг чексиз муҳитидай кўринарди.

* * *

Ёз тугади. Нотаниш аёлнинг товуши энди борган сари кам эшитиладиган бўлиб қолди. Бир оқшом Левитан ўз уйининг кўча эшиги олдида ёшгина аёлни учратди. Кўйлагининг қора тўр тутилган енги ичидан аёлнинг калта қўллари оқариб кўринарди. Бу пайтда осмонни пахмоқ булут қоплаб, ёмғир савалай бошлаганди. Уй олди боғчалардан гулларнинг кузга хос ўткир ҳиди димоққа уриларди. Темир йўл стрелкаларидаги фонуслар ёқилганди.

Нотаниш аёл эшик олдида туриб, кичкина соябонини ёзишга уринар, лекин соябон очилмасди. Охири соябон очилди, ёмғир унинг ипак сиртига шитирлаб туша бошлади. Нотаниш аёл секун-секунд станция томон кетди. Соябон тўсиб қолганлиги учун Левитан унинг юзини кўролмади. Аёл ҳам Левитаннинг юзини кўрмади, фақат кирчил, ялангоёқларига кўзи тушиб, унинг бирор ерига тегиб кетмаслик учун соябонини кўтарди. Левитан хира ёруғликда аёлнинг ранглар юзинигина пайқай олди. Бу юз унга таниш ва чиройлидек туюлди.

Левитан ўзининг ҳужрасига келиб ётди. Шам хира нур сочар, ёмғир гувиллар, станцияда эса мастлар оҳвоҳ қилинарди. Унинг қалбида она, она ва аёл меҳрини қўмсаш туйғуси уйғониб, бу қўмсаш умрининг сўнги дамларигача унга ҳамдам бўлди.

Ўша кузнинг ўзидаёқ Левитан «Сокольникида куз куни» номли асарини яратди. Бу Левитаннинг ўша давр рус ҳаёти каби, ўз турмуши каби беқут, қайғули, олтин куз тасвирланган биринчи картинаси эди, унда ҳадик билан сингдирилган илиқлик, томошабин юрагини жизиллатувчи аллақандай куч бор эди.

Сокольники парки йўлкасидаги хазонлар уюмини топтаб, қора кийинган ёшгина жувон борарди — бу Левитан унутолмайдиган ўша товуш соҳибаси бўлмиш нотаниш аёл эди: «Овозим сен учун ҳам ёқимли, ҳам оғир...» У кузги дарахтзор ичида ёлғиз эди ва бу ёлғизлик уни яна ҳам қайғули ва ўйчан қилиб кўрсатарди.

«Сокольникида кузги кун» Левитаннинг одам қиёфаси тасвирланган яккаю ягона асаридир, бу қиёфани ҳам Николай Чехов ишлаган. Шундан кейин Левитан полотноларида бирорта ҳам инсон тасвири кўринмади. Уларнинг ўрнини ўрмонлар ва ўтлоқлар, туманли сувлоқлар ва Россиянинг номсиз ва якка-ёлғиз кулбалари эгаллади.

Рассомлик ва ҳайкалтарошлик билим юртидаги ўқиш ҳам тугади. Левитан ўзининг сўнгги — диплом ишини яратди: булутли кун, дала, буғдой ғарамлари...

Саврасов картинага кўз қирини ташлаб, бўр билан унинг орқасига: «Катта кумуш медаль», деб ёзиб қўйди.

Билим юртининг ўқитувчилари Саврасовдан ҳайиқишарди. Ҳаммавақт маст, уришқоқ Саврасов ўзини талабалар билан тенг тутар, ичиб олгандан кейин эса, ҳамма нарсани инкор қилар, кўпгина танилган рассомларнинг истеъдодсиз эканлигини бақириб айтар ва холстларда ҳаво, кенглик, ёруғлик бўлишини талаб қиларди.

Саврасовнинг аламини ўқитувчилар унинг севимли шогирди Левитандан олишарди. Бундан ташқари, истеъдодли яҳудий болага айрим ўқитувчиларнинг ғаши

келарди. Улар, яҳудий рус манзарасига қўл тегизмаслиги керак, бу иш фақат ҳақиқий, таг-тугли рус расомларининг иши, деб ҳисоблашарди. Картина медалга сазовор эмас, деб топилди. Левитан рассом номини олмади. Унга бор-йўғи ҳуснихат ўқитувчиси дипломи топширилди.

Ўз даврининг энг нозик дидли рассомларидан бири, келгусида Чеховнинг ажойиб дўсти, рус табиатининг биринчи ва журъатсиз куйловчиси мана шунақа арзимас диплом билан ўзининг мустақил ҳаётини бошлади.

Ёзда Левитан яшаган Максимовка қишлоқчасидаги кўримсизгина уй дарвозасига ака-ука Чеховлар тахтача осиб қўйишди: «Савдогар Исаак Левитаннинг қарз бериш кассаси».

Ташвишсиз ҳаёт ҳақидаги орзулар ниҳоят амалга ошди. Левитан рассом Николай Чехов билан, Чеховлар оиласи билан дўстлашди, улар билан уч ёз ёнма-ён яшади. Ўша вақтда Чеховлар оиласи ҳар йили ёзни Янги Иерусалим ёнидаги Бабкино қишлоғида ўтказарди. Оила аъзолари истезодли, завқи баланд, қувноқ одамлар эди. Ўйин-кулгиларининг охири кўринмасди. Ҳар қанақа майда иш, ҳатто товон балиқларни тутиш ёки бўлмаса ўрмонга қўзиқорин тергани бориш ҳам шодиёнага айланарди.

Эрталабдан, нонуштага ўтиришлари биланоқ стол атрофида ақл бовар қилмайдиган ҳикоялар, уйдирма гаплар, кулги бошланарди. Бу ҳол кечгача давом этарди. Кишининг бирор қилиғи ёки кулгиси сўзига ҳамма баб-баравар эътибор берар, шу баҳонада ҳар хил ҳазил-ҳузуллар бошланиб кетарди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ Левитанга тегишишарди. Уни доимо киши кулгисини қистатадиган жиноятларда айблашар ва охири устидан суд бошлашарди. Прокурор гримидаги Антон Чехов қораловчи сифатида нутқ сўзлар, тингловчилар бўлса кулгининг зўридан стуллардан йиқилиб тушардилар. Николай Чехов тентак гувоҳ қиёфасига кирарди. У па-

ла-партиш далиллар бсрар, адаштирар, қўрқар ва Чеховнинг «Ёвуз ниятли киши» ҳикоясидаги қармоққа чўкдиргич қилиш учун рельсдан гайкаларни бураб чиқариб олган мужикка ўхшар эди. Оқловчи — Александр Чехов эса, дабдаба билан актёрона нутқ ирод этарди. Левитанга, айниқса, унинг арабларникига ўхшаш чиройли юзи учун ҳам кўп гапиришарди. Чехов Левитаннинг чиройли эканлигини ўз хатларида кўп эслатиб ўтади. «Мен ёнингизга қайтаман, Левитандек чиройли киши», «У Левитандек хумор кўз эди», деб ёзганди у.

Аммо Левитан номи на фақат хушсуратлик, балки рус пейзажининг алоҳида гўзаллигини ҳам ифодалайди. Чехов «левитанча» сўзши ўйлаб чиқариб, уни жуда ҳам аниқ ишлатарди. «Бу ердаги табиат сизларникига қараганда анча левитанчадир», дейди у хатларининг бирида. Ҳатто рассомнинг ўз картиналари ҳам турлича, баъзилари эса бошқаларига қараганда анча мунча «левитанчароқ»дир.

Аввалига бу ҳазилдек туюлган эди, лекин вақт ўтиши билан бу қувноқ ибора замирида катта ҳақиқат ётганлиги маълум бўлди — ўша давр рассомларидан ёлғиз Левитангина Урта Россия манзарасининг алоҳида гўзаллигини ўз полотноларида бера олганди.

Бабкино уйи ёнидаги ўтлоқда баъзан ғалати воқеалар юз берарди. Тонг пайти бадавий либосидаги Левитан қари эшакда ўтлоққа чиқиб келарди. Эшакдан тушиб, тиз чўкарди-да, қиблага қараб намоз ўқирди. У қўлларини юқорига кўтарар, Макка томонга юзланиб тиловат қиларди.

Бутазорда эса пахтаванд милтиғи билан Антон Чехов писиб ўтирарди. У Левитанни нишонга олиб тепкини босарди. Ўтлоқни тутун босиб кетарди. Дарёдаги қурбақалар жон-жаҳдлари билан вақиллашар, Левитан эса ўлаётган одамдек хирқироқ товуш чиқариб, ерга йиқиларди. Уни замбилга солиб, қўлларига эски

пийма кийгизишарди ва боғ атрофидан айлантиришга тушишарди. Чеховлар жўр овозда хаёлларига келган дафи маросими қўшиқларини айтишарди. Левитан қотиб-қотиб кулар, кейин сабри чидамай, замбилдан сакраб тушарди-да, уйига қочиб қоларди.

Тошготарда Левитан Антон Павлович билан Истрага балиқ овига кетарди. Балиқ ови учун бутазор қоплаган дарёнинг тик қирғоқлари, нилуфарлар гуллаган ва суви илиқ, зоғора балиқлар тўда-тўда сузиб юрган сокин гирдобларни танлашарди. Левитан Тютчев шеърларини шивирлаб ўқирди. Чехов кўзларини ола-кула қилиб шивирлаб сўкинарди, чунки қармоғи қимирлар, ўқилган шеърлар эса эҳтиёткор балиқни қочириб юборарди.

Горелки ўйнаш, қишлоқ боғлари узра ингичка ёй — ой осилиб турган оқшомги дамлар, хуфтонги чойхўрликда бўладиган қизгин баҳслар, ёш жувонларнинг кулгиси ва уятчанлиги, уларнинг ёқимли сўзлари ва беозор тортишувлари, ўрмонзор устида юлдузларнинг жимирлаши, қушлар нағмаси, тунги далаларда араваларнинг гижирлаши, истеъдодли дўстлар билан тил топиши, меҳнатига яраша шон-шуҳратнинг яқинлиги, вужуди ва руҳида аллақандай энгилликни ҳис қилиш — Левитаннинг Салтиковдаги ҳамма-ҳамма орзулари амалга ошди. Левитан ёзни хурсандчилик билан ўтказганига қарамай, жуда кўп ишлади. Қачонлардир товуқхона бўлган каталак уй деворлари пастдан юқоригича этюдлар билан тўлиб кетганди. Уларга биринчи марта қараган киши ҳеч қанақа янгилик топа олмасди: ўша ҳаммага таниш қия тепаликлар ортидаги илонизи йўллар, ўрмон ялангликлари, олис қишлоқ чеккалари устидаги ёруғ ой, далалар ўртасидаги топталиб кетган сўқмоқчалар, булутлар ва тинч оқар дарёлар...

Таниш дунё холстларга кўчарди, аммо унда сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган янгича нимадир бор эди.

Левитан картиналари олисда қолган хотиралардек даҳшатли, лекин шу билан бирга кишини ўзига чорловчи болаликни эслатарди.

Левитан ғамгини манзара рассоми эди. Инсон ғамгин бўлса, манзара ҳам ҳарвақт ғамгин чиқади. Асрлар бўйи рус адабиёти ва тасвирий санъати юракни сиқувчи осмон, яланғоч далалар, эгри-бугри кулбалар ҳақида ҳикоя қиларди. «Россия, қашшоқ Россия, менга сенинг кулранг хароба кулбаларинг, куйчи шамолларинг худди илк муҳаббат кўз ёшларидек туюлади».

Инсон азал-аввал табиатга очликдан хира тортган кўзлари билан боққан. Табиат унга худди ўз тақдиридек аччиқ, намиққан қора пон бўлагидек туюлган. Оч кишига ҳатто минтақаларнинг тобнок осмони ҳам тунд кўринади.

Бешафқат хазинлик оғуси шу тариқа юзага келди. У ҳамма нарсани бўғиб, рангларнинг ёрқинлигини, жилвасини, жилосини йўқотди. Россиянинг юмшоқ, рангбаранг табиати узоқ вақт йиғлоқи ва бадқовоқ деб ҳисобланган. Рассом ва ёзувчилар буни тушунмай, унга нисбатан доимо сохта ва алдамчи фикрда бўлдилар.

* * *

Левитан ҳақ-ҳуқуқсиз, истиқболсиз гетто фарзанди Ғарб ўлкаси — қашшоқ яҳудийлар, ҳунармандлар, қора синагоглар макон тутган ташландиқ гўшалар, танглик ва камдастлик мамлакати фарзанди эди. Ҳуқуқсизлик Левитанни бир умрга таъқиб қиларди.

1882 йилда, бутунроссия шуҳратига сазовор рассом бўлишига қарамай, уни иккинчи марта Москвадан чиқариб юборишди. Дўстлари сургунни бекор қилдиришга эришгунларича Владимирск губерниясида яшириниб юришга тўғри келди.

Левитан ўз халқи, ўз аجدодлари ёзиғи каби ғамгин эди. У Бабкинода қизлар билан вақтичоглик қилар, рангларга қизиқар, лекин ўзининг камситилган, хўр-

ланган, таҳқирланган ирқдан эканлигини унутолмасди. Баъзан Левитан ана шундай нохуш хаёлларга бутунлай берилиб кетарди. Шунда тутқаноғи тутиб қоларди. Уз ишидан қониқмаганлиги, ҳур тасаввурида аллақачон гавдаланган нарсаларни бўёқларда ифодадай олмаётганлигидан дарди баттар зўраярди.

Тутқаноқ тутганида Левитан одамлардан қочарди. Улар душманларидек туюлар, ўзи эса сабр-тоқатсиз, қўпол кишига айланарди. У ғазаб билан картиналаридаги бўёқларни қириб ташлар, киши билмас ерларга яширинар, ити Веста билан овга жўнар, лекин ов қилмасди. Ҳормонларда бемақсад дайдиб юрарди. Шунақа кунларда ёлғиз табиатгина азиз бир киши ўрнини босарди — унга таскин берар, пешоналаридан она қўлидек шамол билан силаб ўтарди. Тунлари далалар сокин бўлар, Левитан бундай кечаларда тентаклик ва қизиқ-қонликдан нарироқ бўлиб, дам оларди. Тутқаноқ тутганда Левитан икки марта ўзини отган, лекин тирик қолганди. Икки марта ҳам уни Чехов қутқарганди.

Қасаллик ўта бошлади. Левитан одамларга эллашиб, яна чиза бошлади, севди, ишонди, то уни тутқаноқнинг янги зарбаси урмагунча инсон муносабатларининг мураккаблигида чалкашиб юрди.

Чеховнинг ўйлашича, Левитандаги зерикиш руҳий касалликдан аломат эди. Лекин бу ўзига ва ҳаётга нисбатан катта талаб билан қарайдиган кишининг тузалмас касали эди.

Ҳамма чизган нарсалари унга ночор туюларди. Сурлга сурилган бўёқлар остида Левитан бутунлай бошқа нарсани кўрар — булар анча тоза ва қуюқ ранглар эди. Фабриканинг киновар, кобальт, кадмиларидан эмас, балки худди ана шу ранглардан Россиянинг сентябрь ҳавосидек тиниқ, чакалакзорнинг хазопрезги палласидагидек шодийёна манзарасини яратишни истарди.

Аммо қалбидаги нохушлик иш вақтида унга ҳала-

қит берарди. Левитан узоқ вақт ёрқин ва тиниқ асар ярата олмади. Холстларда ёруғлиқ хира эди, бўёқларнинг «қовоғидан қор ёғарди». У ўзини мажбур қилса ҳам, уларни бари бир «кулдира олмади».

* * *

1886 йили Левитан биринчи марта Москвадан жанубга — Қримга кетди.

Москвада у қиши билан опера театри сахнаси учун бадий безаклар ишлади ва бу машғулот рассом ҳаётида сезиларли из қолдирди. У бўёқларни дадилроқ ишлата бошлади. Бўёқ суриши эркинлашди. Унда ҳақиқий санъаткорга хос яна бир хусусиятнинг илк белгилари — материал билан дадил киришиш белгилари пайдо бўлди. Бу хусусият ўз фикрлари ва образларини кўнгилдагидек ифодалайман деган ҳар бир ижодкорга жуда зарур. Ёзувчи сўз ва ҳаётини кузатишлари, ҳайкалтарош лой ва мрамор, рассом бўёқ ва чизиқлар билан эмин-эркин, дадил муомила қила билиши керак. Левитан жанубда пайқаган энг азиз нарса — бу тоза, соф бўёқлар эди. Тоғ водийларининг улкан сув ҳавзаларида тун бўйи тиниққан ҳаво шунақанги тоза эдики, олис-олисларда барглардан тўкилаётган шудринг ҳам кўринар, ўн мил нарида тошли қирғоқларга урилувчи тўлқинларнинг ошқоқ кўпини кўзга ташланарди. Ўз вақтини Қримда ўтказаётган Левитан учун бу манзаралар гўё тугамайдигандек эди.

Жануб ерлари узра, чексиз осмон кенгликларида ранглар кескин, қабариб кўринарди.

Жанубда Левитан бир нарсани, рангларни фақат қуёш яратишини аниқ-равшан англади. Улуғвор ранг-тасвирнинг кучи қуёш биландир, рус табиатининг кулранг манзараси шунинг учун гўзалки, унда ҳаво қатламга сингиб, булутларга ютилган қуёш нурлари бор.

Қуёш ва қора ранг бир-бирига зид келади. Қора

ранг — бу бўёқ эмас, балки унинг мурдасидир. Левитан буни яхши англади, Қрим саёҳатидан кейин ўз холстларидаги қорамтир тусларни ўчириб ташлашга қарор қилди. Тўғри, у ҳаммавақт ҳам бунинг уддасидан чиқолмасди.

Ёруғлик учун кейин ҳам давом этган бу курашнинг бошланиши ана шундай бўлган эди.

Бу вақтда Ван Гог Францияда Арль узумзорларини тилларангга бўяган қуёш оловини полотнога кўчириш устида ишларди. Тахминан, шу вақтнинг ўзида Моне Рейм собори деворларида акс этган қуёш нурларини ўрганарди. Нурлар мавжида улкан собор вазисизлик касб этиши уни ҳайратга солди. Қаср тошдан эмас, балки турли хил оқиш рангга бўялган ҳаво қатламларидан қурилгандек туюларди. Унинг расмана эканлигига ишониш учун қаср тош деворларини қўл билан сийпалаб кўриш керак эди.

Левитан ҳали ҳам журъатсиз ишларди.

Французлар бўлса тиришиб, журъат билан ишларди. Уларга шахс эркинлиги туйғулари, маданий анъаналар, бамаъни, бегидир давралар мадад берарди. Левитан эса буларнинг ҳаммасидан маҳрум эди.

Жануб сафаридан кейин Левитаннинг одатдаги тутқаноғига қуруқ ва аниқ рангларга, инсоннинг ҳар бир оддий кунини байрам қилиб юборадиган қуёшга ичкиш қўшилди. Москвада эса қуёш кўринмасди. Левитан Тверскаядаги «Англия» мусофирхонасининг жиҳозланган хоналарида яшарди. Шаҳарни бир кечанинг ўзидаёқ шунақа қалин, совуқ туман қоплардики, қисқа қиш кунини у сийраклашишга улгуролмасди. Номерда керосин лампа ёнарди. Сарик нур совуқ кун қоронғилигига сингиб кетар ва қора доғдек кишилар юз-кўзини, чала холстлар устини қопларди.

Кўпга бўлмаса-да, яна камбағаллик бошланди. Ижара ҳақини энди пул билан эмас, этюдлар билан тўлашга тўғри келди.

Уй бекаси пенесини тақиб, энг тез «кетадиган» расмларни танлаётганда Левитан жуда уяларди. Ҳаммадан ҳам ҳайрон қоладиган жойи шунда эдики, уй бекасининг вайсаши газета танқидчиларининг мақола-ларига жуда мос келарди.

— Мосье Левитан,— дерди уй бекаси,— нима учун сиз мана бу ўтлоқда зотдор сигирни чизмайсиз, мана бу ерда эса арғувон остида бир жуфт севишганларни ўтирғизиб қўймайсиз? Бу кўзга яқинроқ бўлур эди.

Танқидчилар ҳам тахминан шундай ёзишарди. Улар Левитандан манзараларни ғозлар галаси, отлар билан, аёллар ва чўпонлар қомати билан тирилтиришни талаб қилардилар. Танқидчилар ғозлар галасини талаб қилсалар, Левитан ўз полотноларида эртами, кечми Россияни нурга чайиб, ҳар бир қайин дарахтига вазминлик, ноёб металл ёғдусини ҳадя этадиган мўъжизакор қуёш ҳақида ўйларди.

* * *

Қримдан кейин Левитаннинг қалбидан унутилмас бўлиб Волга жой олди.

Волгага қилинган биринчи сафар анча кўнгилсиз кечганди. Тез-тез ёмғир саваларди, Волга суви эса лойқа эди. Шамол дарёда кичик ва рутубатли тўлқинларни ҳайдарди. Жонга тегиб кетган ёмғир Волга бўйидаги Левитан қўнган қишлоқ кулбаси деразаларидан кўз ёшидек оқиб тушар, узоқлар туманлашар, атрофни эса кулранг ранглар ютиб юборганга ўхшарди. Левитан очик ҳавода бирор нарса чиза олмаслигидан, Волга қирғоқларининг сирпанчиқ лойларидан, совуқдан азобланарди.

Туилари уйқусизлик бошланди. Қари уй бекаси тўсиқ орқасида хуррак отар, Левитаннинг унга ҳаваси келарди, бу ҳақда у Чеховга ҳам ёзганди. Томда ёмғирнинг шитирлаши эшитилар, Левитан эса ҳар ярим соатда гугурт ёқиб соатига қарарди.

Ёқимсиз шамол ғувиллаётган зим-зиё тун қаърида тонг отгап-отмагани билишмасди. Левитанни қўрқув босар, унга бир кеча бир ҳафтадек туюларди, бу қишлоқчага сургунга юборилгандек, ёғоч уй деворларига қайин дарахтларининг ҳўл шохлари урилишини бир умр эшитишга маҳкум қилингандек туюларди. Баъзан у кечаси ташқарига чиқар, шунда шохлар юзлари ва қўлларига қаттиқ уриларди. Левитаннинг бундан баттар жаҳли чиқиб папирос чекар, лекин уни ўша заҳотнёқ ташлаб юборар — аччиқ тамаки тутунидан кўнгли озарди.

Волгада пароход парраklarининг шиддатли шовқини эшитиларди, шатак сариқ фонарларини милтиратиб юқорига — Рибинскка сассиқ баржаларни олиб кетар эди.

Буюк дарё Левитанга машъум дўзах эшиги бўлиб туюларди. Тонг отса ҳам у енгил тортмасди. Булутлар бир-бирига урилиб, сурилиб, ер узра ёмғирдан этак ташлаб, шимоли-ғарбдан босиб келарди. Қийшиқ деразалардан кирган шамол ҳуштак чалар, қўллар қизарар ва совқотарди. Қутидаги бўёқлар ичида сувараклар югуриб юришарди.

Левитанда руҳий собитлик етишмасди. Астойдил кутган нарсасининг ҳаёт билан мос келмаслигидан ғазабланарди. У қуёшни ичкиб кутар, қуёш эса кўринмасди. У баджаҳлликдан ҳеч нарсани кўрмас, намгарчиликдан ўзига хос бўлган кулранг ва зангори рангларнинг гўзаллигини ҳам сезмасди.

Охири рассом асабийликдан устун келди. Левитан ёмғирнинг ажойиблигини кўрди ва ўзининг ёмғир ҳақидаги машҳур ишлари: «Ёмғирдан сўнг» ва «Мангу осойишталик узра»ни яратди. «Ёмғирдан сўнг» картинасини рассом тўрт соат ичида битирди. Булутлар ва Волга сувининг қалайи ранги юмшоқ ёруғликни юзага келтирганди. Бу манзара ҳар дақиқада ғойиб бўлиши мумкин эди, Левитан шошиларди.

Левитан картиналари Чехов ҳикояларидек оддий ва аниқ, уларга қанча кўп қарасанг, таниш дарё ва қишлоқчалар шунча ёқимли тусга кира бошлайди.

«Ёмғирдан сўнг» картинасида Волга бўйидаги шаҳарчанинг ёмғирли оқшомлари ўзининг бутун гўзаллиги билан тасвирланган. Ўтлоқлар товланади. Булутлар пастлаб, худди тутундек Волга ортига ўтиб кетяпти. Пароход трубаларидан чиқаётган тутун сув устига ёйилмоқда. Қирғоқ ёнидаги баржалар захликдан қорайган.

Бунақа ёз оқшомларида қуруқ пичан ичига ёки эндигина поли ювилган, чироқлари аллақачон ёниқ, пастакина уйларга кирсанг, очиқ деразалар ортида томчилардан шовиллаётган ташландиқ боғнинг кишини маст қилувчи ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олсанг. Эски роялда куй тинглаш ҳам яхши. Унинг бўшашиб қолган торлари гитарадай жаранглайди. Қорамтир фикус ўсимлиги катта ёғоч пақирда рояль билан ёнма-ён турибди. Гимназист қиз курсида оёқларини йиғиштириб ўтириб, Тургеневни ўқияпти. Қари мушук хона ичида дайдиб юрибди, унинг қулоқ супралари асабий титраяпти — ошхонада пичоқларнинг тақиллашини кутяпти шекилли.

Кўчадан чипта ҳиди келади. Эртага ярмарка. Собор майдонига аравалар тўпланади. Пароход дарёнинг қуйи томони — осмоннинг ярмини қоплаб олган ёмғирли булутлар сари кетиб боряпти. Гимназист қиз пароходнинг орқасидан қараб қолган, унинг кўзлари туманли ва катталашгандек кўринади. Пароход қуйи шаҳарларга — театрлар, китоблар, кишини ўзига ром қилувчи учрашув масканлари томон кетмоқда.

Шаҳар атрофидаги кечаю кундуз тўзғиб ётган жавдари буғдой далалари эса ёмғир остида қолиб ивиган.

«Мангу осойишталик узра» картинасида ёмғирли кун гўзаллиги яна ҳам кучли ифодаланган. Картина Тверь губерниясидаги Удомли кўли қирғоқларида яратилган.

Қия тепаликда қорамтир қайинлар узлуксиз эгилган. Шу қайинлар орасида қарийб чирик ёғочли черковча, узоқ-узоқларга чўзилиб кетган тинч оқар дарё, губордан қорайган ўтлоқлар, улкан булутли осмон кўзга ташланади. Совуқ намлик билан тўйинган вазмин булутлар ер узра осилиб тургандек. Ёмғирнинг қиялаб ёғиши кенгликларни беркитаётгандек кўринади.

Левитангача бирорта рассом шунақа ғамгин ифода билан ёмғирли рус кенгликлари поёнсизлигини тасвирлай олмаган. Бу кенгликлар шу қадар осойишта ватантанаворки, унда бир улуғворликни ҳис қиласан.

* * *

Волгага қилинган иккинчи сафар биринчисига қараганда хайрли бўлди. Левитан бу сафар бир ўзи эмас, балки рассом Кувшинникова билан бирга эди. Кўпчилик, Левитаннинг эътироф этишича ҳам ўзига қаттиқ кўнгил қўйган бу аёл Чеховнинг «Енгилтак» ҳикоясида тасвирланган. Левитан мана шу ҳикояси учун Чеховдан қаттиқ ранжиди. Дўстликка путур етди, ярашиш эса ниҳоятда қийин ва машаққатли бўлди. Умрининг охиригача Левитан Чеховни кечира олмади.

Левитан Кувшинникова билан Рязанга борди. У ерда пароходга чиқиб, Ока бўйлаб Чулково слободасининг чеккасига келди. У шу ерда тўхташга қарор қилди.

Қуёш тупроғи кўпчиган қиялик ортидаги далага ботиб борарди. Болалар шафақдан қизарган каптарларни қувишарди. Серўт қирғоқда гулханлар ёнар, ботқоқликларда қурбақалар хазин вақилларди.

Чулководаги бандаргоҳда Левитаннинг ёнига бўйи пастгина, кўзи оқиб тушган бир чол келди. У бетоқатлик билан Левитаннинг устидаги жужун камзул енгига қўл узатиб, узоқ вақт қурушқоқ қўллари билан матони ғижимлаб кўрди.

— Сенга нима керак, отахон?— сўради Левитан.

— Мато,— деди чол ва ҳиқиллаб қўйди.— Матога кўзим тўйиб олсин. Қара, худди аёлларнинг сочига ўхшаб гижирлайди-я. Бу ким, худо кечирсин, хотиннингми дейман?— чол Кувшинниковани кўрсатди. Унинг кўзлари ғазабга тўлди.

— Хотиним,— деди Левитан.

— Шунақами,— чол ғазаб билан шундай деб нари кетди.— Худо кўтарсин сизларни, нимага бу ерда санқиб юрибсизлар?

Бу учрашув яхшиликдан дарак бермасди. Келаси куни эрталаб Левитан Кувшинникова билан мойбўёқ қутисини очиб, тепаликда ўтирганида қишлоқда ғалаговур бошланди. Хотинлар уйдан-уйга югуриб қолишди. Белларига камар боғлаган, сочларига похол илашган, қовоғи солиқ мужиклар аста-секин қия тепаликка тўпланишди, рассомлардан узоқроқда ўтириб, уларга ўшшайиб тикилишди. Болалар бўлса орқадан пичирлашар, бир-бирларини итаришиб, сўқинишарди.

Тишлари тўкилиб кетган бир шаллақи хотин ён томондан келиб, Левитанга анча қараб турди-да, тўсатдан:

— Эҳ-ей,— деди,— Исо ҳаққи, сен ўзи нималар қиляпсан, ер ютгур?

Мужиклар шовқин солишди. Левитаннинг ранглари оқарди, лекин ўзини тутиб, улардан ҳазил билан қутилмоқчи бўлди:

— Бунақа қарама, кампир,— деди у шаллақи хотинга,— кўзларинг тешилиб қолади-я!

— У-у-у-у, уятсиз,— қичқирди хотин ва кўйлагининг этагига бурнини артиб, мужиклар ёнига қайтди. Чулковага қаердандир адашиб келиб қолган ва шу ердаги черковга ўрнашиб олган роҳиба ҳассага суянганча қалтираб:

— Осий бандалар!— деб чийилларди.— Нималар қилишяпти, тушунолмайсан киши. Худойимнинг ўтлоқ-

ларидан андоза олиш куфр-ку! Уйимиз куйди, мужиклар. Шўримиз қуриди!

— Йўқолинглар! — қичқирди кўзи оқиб тушган чол. — Хотинлар билан расм чизиш бизнинг таомили-мизда йўқ! Йўқолинглар!

Бўёқларни йиғиштиришга тўғри келди. Уша куннинг ўзидаёқ Левитан Кувшинникова билан Чулководан чиқиб кетишди. Улар кемалар тўхтайдиган жойга қараб боришаётганда черков олдида оломон галаён қилар ва чийилдоқ роҳибанинг товуши эшитиларди:

— Осий бандалар! Чўқинмаганлар! Рўмол ёпинсанг бўлмайдими, қанақа хотинсан...

Кувшинникова шляпа ҳам киймас, рўмол ҳам ўрамас эди.

Ока бўйлаб Нижнийга келган Левитан Рибинска кетадиган пароходга ўтирди. У ҳар кун Кувшинникова билан палубада ўтириб, қирғоқларни кўздан кечирар, этюд чизиш учун мос жой ахтарарди. Лекин яхши жой тополмай, тез-тез қовоғини уяр, чарчаганлигидан шикоят қиларди. Бир хил кўринишли қирғоқлар ёнидан секин сузиб ўтишар — на сокин ва равон қайрилишлар, на манзарали қишлоқлар кўринарди.

Ниҳоят, Плесда Левитан палубадан қарағайдан қилинган қадимий, чоққина чўпқори черковни кўриб қолди. У зангори осмон остида қорайиб кўринар, тепасида тоғ юлдузи парпираб, чақнаб турарди.

Бандаргоҳда сут соғувчи аёлларнинг ширали товушларию, оқшом сокинлигидаги мана шу черков Левитаннинг кўзига шунақа оромбахш туюлдики, у шу ондаёқ Плесда қолишга қарор қилди.

Шу кундан бошлаб унинг ҳаётида ажойиб бир давр бошланди.

Кичкина шаҳарча сокин ва кимсасиз эди. Сокинликни фақат қўнғироқ овози, пода маъраши, тунлари эса, қоровулларнинг шақилдоқлари бузарди. Кўча ўрликлари ва жарликларини шўра босган, қариқизлар гул-

лаб ётарди. Уйларнинг дока пардалари ортидан қури-тиш учун дераза раҳига қўйилган гуллар кўринарди.

Куллар чароғон, узун эди. Рус ёзи кузга яқинлашган сайин шунчалик тўқ рангларга бўяла бошлайди. Август ойидаёқ олмазорларнинг барглари қирмизи тусга кириб, далалар оқимтир бўлиб товланади, оқшомлари Волга устида шафақдан қизарган булутлар туриб қолади.

Қасаллик ўтиб кетди. У ҳақда эслашнинг ўзи оғир эди. Ҳар бир кун унга кутилмаган тасодифлар келтирар: ё шапкўр кампир Левитанни гадойга ўхшатиб, унинг мойбўёқ қутисига ранги ўчиб, сийқаланиб кетган беш тийинлик ташлар, ё болалар бир-бирининг орқасидан итаришиб, ундан расмларини чизишли сўрашар, кейин эса қотиб-қотиб кулиб, турли томонга қочиб кетишар ёки бўлмаса яширинча ёшгина диандор қўшни аёл келиб, ўзининг оғир қисматидан унга ҳасрат қиларди. Уни Левитан Островскийнинг «Момақалдироқ»-идаги Катерина деб атади. У Кувшинникова билан бирга аёлга ёмон оиладан, Плесдан қочишга ёрдам беришга қарор қилди. Қочиш маслаҳати шаҳар четидаги кичкина ўрмонзорда ўтказилди. Кувшинникова Катерина билан шивирлашар, Левитан бўлса ўрмонзор четида ётиб, аёлларни хавф-хатардан секин хуштак билан огоҳ қиларди. Катерина ҳақиқатан ҳам қочишга муяссар бўлди.

Плес саёҳатига қадар Левитан рус манзарасини се-вар, лекин бу катта мамлакатга жойлашиб олган халқни тушунолмас эди. Ҳа, у кимни ҳам биларди? Билим юртининг «Ёвуз жин» қоровули, трактирдаги хизматкорлар, жиҳозланган уйлардаги безбет эшик оғалари ва Чулковонинг ёввойи мужикларидан бўлак кимни кўрибди у?!

Плесгача бўлган ҳаётида у халқнинг бағри кенглигига, заковатига, кўп нарсани тушунишга қодир эканли-

гига ишонмасди. Плесдан кейин Левитан на фақат Россия манзарасига, балки унинг ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум, яна бир янги бахтсиз ва улуг озодлиқ олдидан тинчиб қолгандек кўринган истеъдодли халқига ҳам ўзини яқин сизди.

* * *

Волга бўйлаб қилган иккинчи сафарида Левитан жуда кўп полотнолар яратди. Бу картиналар тўғрисида Чехов унга: «Картиналарингда энди табассум кўриняпти»,— деганди.

Ёрқинлик ва ўзгача жилва Левитаннинг Волга бўйида яратган ишларида биринчи марта пайдо бўлди. Булар: «Олтин Плес», «Тоза ҳаво», «Оқшомги садо» картиналаридир.

Барглар билан қопланган ўрмон ялангликлари, қуёшнинг илмилик тафти остида кўм-кўк товланадиган Ватанимизнинг ҳашаматли ва рутубатли бурчаклари, шамолсиз сокин сувлар, кўчманчи қушларнинг чуғурлаши болалигимизданоқ қарийб ҳар биримизнинг эсимизда қолган.

Улғайгач арзимас нарсалар туфайли ҳам бу хотиралар ҳайратда қолдирадиган куч билан юзага қалқиб чиқади. Масалан, вагон деразаларидан онда-сонда кўриниб қолган бир лаҳзали манзаралар бизнинг ўзимизга тушунарсиз бўлган ҳаяжон ва бахт туйғуларини уйғотади. Шаҳарни, ташвишларни, улфатларинг даврасини — ҳамма-ҳаммасини унутиб, мана шунақа хилват ерларга, номаълум кўлларнинг қирғоқларига, ҳар бир товуш тоғ чўққиларидаги каби аниқ ва узоқ эшитиладиган ўрмон йўллари, паравознинг гудоги-ю, четан буталар орасидаги патирлаётган қушнинг қичқирғини эшитиш учун бош олиб кетгинг келади.

Левитаннинг «Волга», «Куз» туркуми картиналари

аллақачон кўрган ерларингизни эслатувчи ана шундай туйғулар уйғотади.

Левитаннинг ҳаёти воқеа-ҳодисаларга унча бой эмасди. У кам саёҳат қилган. Левитан фақат Урта Россияни севар эди. Бошқа жойларга қилинган саёҳатларини у вақтни бекорга ўтказиш, дерди. Чет эл саёҳатлари ҳам унга бекорчиликдан қилингандай туюлган эди.

Левитан Франция, Финляндия, Швейцария ва Италияда бўлди. Финляндия мраммлари, дарёларининг қорамтир суви, тиниқ осмони ва тунд денгизи уни зериктирганди. «Қасаллигим яна кўзидики, аста сўрама,— деб ёзган эди Левитан Чеховга Финляндиядан.— Бу ерда кўнгилни ёзадиган табиат йўқ».

Швейцарияда уни Альп тоғлари ҳайратга солди, лекин бу тоғлар таровати ҳам Левитан учун ола-була бўёқлар билан чаплаб ташланган картон макетлардан фарқ қилмасди.

Италияда унга хира кўрфазларда туғилган кумуш ҳавоси билан фақат Венеция ёқди.

Парижда Левитан Моне картиналарини кўрди, аммо уларни эсида сақлаб қололмади. Фақат ўлими олди-дангина у импрессионистларнинг ранг тасвирини қадрлади, қайси жиҳати биландир ўзи ҳам уларнинг Россиядаги издоши эканлигини тушунди ва биринчи марта уларнинг номларини эътибор билан тилга олди.

Ҳаётининг сўнгги йилларида кўп вақтини Левитан Вишний Волочек ёнидаги Удомли кўли қирғоқларида ўтказди. Уша ерда, помещик Панафидинлар оиласида Левитан инсон муносабатларининг чигалликларидан гангиб, ўзини отиб қўйди, бироқ уни қутқариб қолишди...

* * *

Ақл-идроки тўлиша борган сари, Левитанни куз манзаралари ўзига кўпроқ жалб этарди. Тўғри, Леви-

тан баҳор мавзуида бир қанча ажойиб асарлар яратди, аммо булар ҳаминша кузга ўхшаган баҳор бўлиб қолаверди. «Қатта сув» картинасидаги тошқин босган бутазор худди кеч куздаги каби яланғоч, ҳатто илк куртаклари ҳам яшил эмас. «Навбаҳор»ида эса чуқур қорамтир дарё қалин қор билан қопланган жарликлар орасида тўхтаб қолгандек, фақат «Март» картинасидагина ҳақиқий баҳор манзараси — эриётган қор уюми узра ёрқин осмон: заррин қуёш нури, ёғоч уй кавшондози устидан томчилаётган сувнинг шишадек тиниқлиги қойилмақом тасвирланган.

Левитан ҳам Пушкин, Тютчев ва бошқалар каби йилнинг тезўтар ва энг азиз фасли бўлган кузни интизорлик билан кутарди.

Куз ўрмонлар, далалар — бутун табиатдаги қуюқ рангларни ўчирар, яшилликни ёмғир билан ювиб ташларди. Дарахтзорлар орасидан шамол ғуриллаб эсарди. Ёзнинг тўқ бўёқлари тилларанг, қирмизи ва кумуш рангларга алмашарди. Фақат ер ранги ўзгариб қолмасдан, ҳаво ҳам ўзгарарди. Осмон гумбази ёздагига қараганда анча олислашиб, ҳаво тоза ва совуқроқ бўла бошларди. Бу ҳол адабиёт ва рангтасвир буюк усталирининг ёшликдаги дабдабали бўёқлари ва тилнинг чиройлилиги етуклик пайтларида қатъийлик ва олижанобликка айланишини эслатади.

Левитан картиналарида куз жуда ҳам ранг-баранг. Рассом полотнога туширган куз кунларининг сон-саногини йўқ. Левитан этюдлардан ташқари юзга яқин куз ҳақидаги картиналар қолдирган. Уларда болаликдан таниш бўлган нарсалар тасвирланган: намликдан қорайиб кетган бир боғ пичан; анҳорлар, секин оқаётган сувга тушиб қолган барглари айлантираётган гирдоблар, танасини ҳали шамол яламаган тилларанг ёлғиз қайинлар; юпқа музга ўхшаш осмон, кесилаётган азим дарахтлар устида ёмғирнинг савалаб қуйишлари... Аммо бу манзараларнинг ҳаммасидаям, уларда нима

тасвирланишидан қатъи назар, ўтган кунларнинг қайтмаслигидан инжиш, тўкилаётган барглар, сўлаётган ўтлар, ерни зўрға иситаётган тирамоҳ қуёши ва совуқ олдидан асалариларнинг секин гўнгиллаши жуда гўзал ифодаланган эди.

* * *

Левитаннинг оғир юрак хасталиги йилдан-йилга зўрайиб борар, лекин бундан унинг ўзи ҳам, яқинлари ҳам, то касаллик ружу қилмагунча, беҳабар юрдилар. Левитан даволалмади. У врачлар олдига боришдан, ўлимнинг яқин дейишларидан қўрқарди. Врачлар, албатта, Левитанга табиатга шайдолик қилишни тақиқлашган бўлишарди. Бу эса, унинг учун ўлим билан баравар эди.

Левитан ёшлик йилларига қараганда яна ҳам кўпроқ сиқила бошлади. Тез-тез ўрмонларга кетиб қоларди; умрининг сўнгги ёзини у Звенигород ёнида ўтказётган эди. Одамлар кўпинча унинг йиғлаётгани устидан чиқиб қолишарди. Ҳеч нарса — врачлар ҳам, осойишта ҳаёт ҳам, беназир, севимли табиат ҳам унинг тугаб бораётган умрини узайтиролмаслигини ўзи яхши биларди.

1899 йилнинг қишида врачлар Левитани Ялтага юборишди. Бу пайтда Чехов ҳам Ялтада яшарди. Кексайиб қолган эски дўстлар бегоналардек ноҳуш учрашишди. Левитан ҳассага суянганча вазмин юрар, нафаси сиқилиб қолар, ҳаммага ўлими яқинлигини айтарди. У ўлиmidан қўрқар ва буни ҳеч кимдан яширмасди. Унинг юраги тўхтовсиз оғриб турарди.

Чехов Москвани, Шимолни соғинарди. Унинг ўз сўзи билан айтганда, денгиз «бепоён» бўлишига қарамай, дунёни исканжага оларди. Денгиз ва қишки соқини Ялтани истисно қилганда, ҳаётда ҳеч нима қолмагандек эди. Қаердадир, жуда узоқда, Харьков, Курск,

Орёлнинг нариги томонида қор тушган, қашшоқ қишлоқларнинг чироқлари оппоқ тўзонлар орасида ғирашира милтиллар, хушбўй денгизбўйи ҳавоси ва бёклин сарвларидан кўра ана ўшалар юракка анча яқин ва азиздек туюларди. Бу ердаги ҳаводан тез-тез бош оғрирди. Урмонлар, Пеховка ва Вертушинка каби ҳар хил дарёчалар, хира ой ёритган тунги далалардаги, гўё инсон бир умрга унутиб юборган ёлғиз пичан боғлари — ҳамма нарса кўнгилга яқиндек туюларди.

Қасал ҳолида ҳам Левитан Чеховдан бир бўлак картон сўраб олиб, ярим соатдаёқ унга мойбўёқ билан оқшом пайтидаги пичан боғлари ётган дала тасвирини туширди. Бу этюдни Чехов ёзув столи ёнидаги каминга қўйиб, ишлаётганда унга тез-тез қараб ўтирарди.

Қиш Ялтада қуруқ, қуёшли бўлиб, денгиздан илиқ шамол эсиб турарди. Левитан ўзининг Қримга қилган биринчи сафарини эслади ва энди тоғларга кетгиси келди. Уни ўша сафар хотиралари доимо таъқиб қилар, айниқса, Ай-петри чўққисидан туриб, ҳайҳотдек булутли осмонни оёқлари остида кўрганини унута олмасди. Қуёш шундоқ боши устида тургандек, ерга яқиндек туюлар, заррин нурлари аниқ соялар ташларди. Пағапаға булутлар таги йўқ бўлиб кўринган пастликда тўзғиб ётар ва қарагайзорларни кўздан бекитганча, Левитан оёқлари томон силжирди.

Осмон пастдан чиқиб келаётганга ўхшар, бу манзара Левитанни тоғ сукунати каби қўрқитарди. Аҳён-аҳён унинг хаёлини енгил кўчки, тўкилган бирон нарсанинг шитирлаши бузар эди.

Левитан тоғларга кетгиси келди, Ай-петрига олиб боришларини илтимос қилди, бироқ унга рад жавоби беришди — чунки сийраклашган тоғ ҳавоси унинг учун ўта хавфли эди.

Ялта ёрдам бермади. Левитан Москвага қайтиб келди. У Трёхсвятитель тор кўчасидаги уйдан деярли ҳеч қаёққа чиқмай қўйди.

1900 йил 22 июлда Левитан вафот этди. Ботаётган қуёш нурлари экс этган дарахтларнинг барглари сариқ чангга кўмилган, Москва устида — осмоннинг жуда олис ерида энг биринчи юлдуз милтирарди.

Ёз жуда кечиккан, июлда ҳам сирень гуллаётган эди. Унинг қалин буталари уй ёнидаги боғчани бутунлай эгаллаб олганди. Левитан жон бераётган устахонада баргларнинг, сиреннинг, мойбўёқнинг ҳиди — бир умрга рассомни таъқиб қилиб, ғамгин рус табиати, худди инсон сингари ўзгача, қувончли кунларга илҳақ табиатни акс эттира олган бўёқларнинг ҳиди анқиб турарди.

Левитан вафотидан кейин шундай кунлар келди ва устозлари кўрмаган кунни — инсон ҳаёти ўзгаргани учун манзараси ҳам ўзгарган мамлакатни, қуёшимизнинг саҳийлигию бепоён кенгликларни, осмон мусаффолигию Левитанга нотаниш тантанавор бўёқларнинг жилвасини унинг шогирдлари кўришди.

Левитан буларни кўра олмади, чунки инсон озод ва шод бўлсагина, манзара қувонч бағишлайди.

Левитан кулишни истарди, лекин у матога ҳатто энг заиф табассумларни ҳам кўчира олмади.

У ғоятда софдил эди, шу боисдан ҳам халқнинг азоб-уқубатларини яхши биларди. У улкан ғариб мамлакатнинг, унинг ажойиб табиатининг машҳур куйчиси бўлди. У бу табиатга эзилган халқ назари билан қараганди. Левитаннинг бадий салоҳияти жозибаси сирини ҳам мана шундадир.

1937 йил.

Паустовский, Константин.

П 25 Исаак Левитан. Кичик қисса / [Н. Норматов тарж.]— Т. «Ёш гвардия», 1985.—32 б.

Константин Паустовскийнинг ушбу кичик қиссаси Ўрта Россия табиатининг куйчиси, деб ном олган машҳур рассом Исаак Левитан ҳақида. Китоб муқовасида Левитан асарларидан намуналар берилмоқда.

Паустовский, Константин. Исаак Левитан. Маленькая повесть.

Р 2

4803010102 30
П ————— 142—85
356 [04] 85